

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Карантин жорий этилган илк кунлардан оқибатларини юмшатиш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари кўриляпти. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг узвий давоми бўлди.

Мазкур ҳужжатда пандемия даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга аввалгиларига қўшимча тарзда яна бир қанча имтиёзлар тақдим этилди.

Бугун аксарият тадбиркорлик субъектлари ўзларига берилаётган имтиёзлардан кенг ва самарали фойдаланмоқда. Бунда уларга ишбилармонликни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳа ва дастурлар яқиндан ёрдам берапти.

“БИЗНЕС КЛИНИКА” — ОНЛАЙН МАСЛАҲАТЛАР ХИЗМАТИ

Ана шундай лойиҳалардан бири — БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида 2020 йилнинг май ойидан “Бизнес клиника” номи билан иш бошлади.



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕР УЧУН КАТТА РАҒБАТ

Лойиҳа карантин ва ундан кейинги даврда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига бепул юридик ҳамда бизнес маслаҳатлар бериш, уларнинг соҳага оид фармон ва қарорлар мазмун-моҳияти, қўллаб-қувватлаш чоралари бўйича тўлиқ ва ишончли маълумот олишларига кўмаклашишни мақсад қилган. Айтиш керакки, айни пайтда лойиҳага жалб этилган ҳуқуқшунос, иқтисодчи, экспорт-импорт ҳамда банк кредитлари бўйича малакали мутахассислардан иборат жамоа ҳафтанинг душанба-жума кунлари соат 9:00 дан 19:00 га қадар пандемия даврида молиявий қийинчиликларга дуч келган тадбиркорларнинг 10-94 қисқа рақамли ишонч телефони ёки онлайн тарзда @biznes_klinika телеграм тармоғи орқали йўллаётган мурожаатлари асосида бепул маслаҳат хизматларини кўрсатиб келмоқда.

— Пандемия туфайли сўнгги ойларда кўп-лаб компаниялар, айниқса, кичик ва ўрта бизнес вакиллари ишлаб чиқариш ҳамда сотишнинг камайиши, миқдорларини йўқотиш, айланма савдонинг йўқлиги каби бир қанча омиллар туфайли ўз иш фаолиятини қисқартириш ёки бутунлай тўхтатишга мажбур бўлди, — дейди компонент раҳбари Фарҳод Жабборов. — “Бизнес клиника” лойиҳаси ана шундай оғир вазиятда тадбиркорлик субъектларига фаолиятларига оид долзарб мавзуларда малакали мутахассислар иштирокида онлайн вебинарлар ташкил этиш орқали қатор муаммоларни “даволаш”га кўмаклашиб келмоқда.

Шу кунларда лойиҳа доирасида кичик ва ўрта бизнес вакиллари туртки бериш, бизнес бошқаруви кўникмаларини ривожлантириш, бизнес барқарорлиги ва ҳаётийлигини таъминлаш ҳамда келажақдаги ҳар қандай ўзгаришларга мослашишга қаратилган онлайн, каран-

тиндан сўнг эса оффлайн курсларни бошлаш режалаштирилган.

“AGROCOMP” — ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-қувватловчи лойиҳа

2017 йилнинг март ойида иш бошлаган яна бир лойиҳа — “AGROCOMP” Европа Иттифоқи, Италиянинг Милан шаҳридаги “Fortaper” савдо агентлиги, Хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги палатаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Қозоғистоннинг ЮОЛ савдо ва саноат корхоналари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, юртимизда агросаноат, фермер хўжаликлари вакиллари ҳамда тадбиркорларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, уларни кредитлаш тизимига тайёрлаш ва бизнес режа тузишга кўмаклашиш ишларини амалга ошириб келмоқда.

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган мазкур лойиҳа доирасида шу кунга қадар 20 нафар ўзбекистонлик қишлоқ хўжалиги мутахассиси махсус “study visit” ҳамда “twinning” дастурлари асосида Италияда малака ошириб қайтди. Иштирокчилар у ерда турли тренингларда қатнашиб, европалик соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаш имкониятига эга бўлди. Юртдошларимизнинг Италияга сафари мамлакатимизда олма ва бошқа меваларнинг янги турлари пайдо бўлишига ҳам хизмат қилди. Уларнинг савдо-ҳаракатлари билан “Vitro plant” ҳамда “Батистини” кўчатзорларидан гилос ва шафтолининг янги турлари олиб келиниб, экилди.

Италияда малака ошириб қайтган мутахассислар ҳозир “AGROCOMP” лойиҳасининг сўнгги босқичи доирасида апрель ойидан июнга қадар давом этадиган онлайн вебинарларда иштирок



ва фермерларга юқори ҳосил етиштириш имконини беради, — деди лойиҳа менежери Фаррух Омонов. — Шу боис, сўнгги йилларда бу соҳада барқарор ўсиш суръатлари яққол кўзга ташланмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз бепул онлайн вебинарлар орқали қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мазкур ишларни пандемия даврида ҳам сусайтирмаслик ва бу борада деҳқон ҳамда фермерларга зарур маслаҳатларни бериш билан мамлакатимизда аграр соҳани янада ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

Лойиҳа доирасида қишлоқ жойларда яшовчи 100 нафарга яқин изланувчан, ишбилармон аёлга келажақда ўз бизнесини очишда юридик маслаҳатлар бериш, улар учун соҳа мутахассислари иштирокида бепул бизнес тренинг ва вебинарлар ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, фермерлар учун кредитлаш бўйича бизнес режа тайёрлашда амалий кўмак бериш ҳам кўзда тутилган. Айтиш жоизки, айни вақтда амалга оширилаётган бундай лойиҳа ва дастурлар мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли чора-тадбирларнинг таркибий қисмига айланиб улгурди. Мухими, улар нафақат тадбиркорлар, балки аҳолининг барча қатламида катта қизиқиш уйғотиб, уларнинг қишлоқ хўжалиги ва бизнес соҳасига оид билим, кўникмаларини оширишга хизмат қилмоқда.

— Юртимиз улкан агросалоҳиятга эга мамлакат. Унинг қулай тупроқ ва иқлим шароити деҳқон